**Kuch – bilim va tafakkurda**

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 12 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 98 (7397)


**Da'vat**

***Биз ўз танлаган йўлимиздан собитқадамлик билан борар эканмиз, нафақат бугунги, аввало, эртанги кунимиз қандай бўлиши, фарзандларимизнинг қандай ҳаёт кечиришини, уларнинг ёруғ келажагини ўзимизга аниқ тасаввур қилиб, режаларимизни шу асосда тузишимиз керак.***

**Ислом КАРИМОВ**

**Ibrat**

***Избоскан туманидаги "Шарқ юлдузи" ширкатлар хўжалигининг фермери Олимжон Рўзиматов шу ҳудудда жойлашган 10-ўрта мактабни қурилиш материаллари бўлмиш лак-бўёқлар билан таъминлаш қаторида 20 нафар бошланғич синф ўқувчиларига ўқув қуролларидан иборат совғалар ҳадя қилди.***

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНА УЧРАШУВЛАРИ

Вена. 11 декабр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

**Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган "АНА Гранд" меҳмонхонасида Австриянинг собиқ Федерал канцлери Франк Враницкий ҳамда Контролбанк ижрочи директорлар кенгаши аъзоси Рудолф Шольтен билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш, Ўзбекистонга Австрия сармояларини кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

**Маълумки, Ф.Враницкий Федерал канцлер лавозимида ишлаган пайтда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Шундан буён у билан Ислом Каримов ўртасида қалин шахсий дўстона муносабатлар қарор топган. Айни пайтда Ф.Враницкий Австрия ишбилармонлари уюшмасига раҳбарлик қилади. Ислом Каримов Ўзбекистон-Австрия муносабатлари ривожида бу инсоннинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади ва австриялик ишбилармонларни Ўзбекистонга янада кўпроқ сармоя киритишга даъват қилди.**

**Президентимиз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Ян Кубишни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-ЕХҲТ муносабатлари, мазкур ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Ислом Каримов ЕХҲТнинг хавфсизлик масалаларидаги иштирокини кенгайтириш, ташкилотнинг бу борадаги амалий ҳаракатларини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини таъкидлади. Учрашувда Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида ҳам фикр алмашилди.**

**Мазкур учрашувлардан кейин Президент Ислом Каримов "Хофбург" саройига келди. Уни Австрия президенти Томас Клестил кутиб олди. Олий даражадаги меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.**

**Президентларнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Австрия раҳбари мамлакатларимиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга эканини, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини оширишга йўл очишини таъкидлади. Айни пайтда у Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат майдонидаги ташаббускорлик фаолияти, террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.**

**Сўнгра шу ернинг ўзида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.**

**Унда автомобил, темирйўл ва дарё транспорти, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Вена университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди.**

**Шу куни Президент Ислом Каримов Австрия Федерал канцлери Волфганг Шюссел, Миллий кенгаш (парламент) раиси Ҳэнц Фишер ҳамда ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднер билан учрашди.**

**Давлатимиз раҳбарининг Австрияга расмий ташрифи давом этмоқда.**

**(ЎзА)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Австрия республикасига уч кунлик расмий ташрифи давом этмоқда. Ташриф давомида Ўзбекистон Президенти Австрия федерал Президенти ва канцлери ҳамда бошқа расмийлари билан учрашув ўтказди.

Австриянинг умумий майдони 84 минг квадрат километрни ташкил қи-либ, аҳолиси 8 миллионга яқин. Австрия федерал республика ҳисобланади. Бу мамлакат дунё тақдири ҳал этилган жуда кўплаб халқаро учрашув ва мунозараларнинг маркази бўлиб келган ва ҳозир ҳам президент Ислом Каримовнинг Австрияга амалга оширган амалий ташрифи ва унинг доирасида президент Клестил ва ўша пайтдаги федерал канцлер Франк Враницкий билан ўтказган мулоқотлари катта роль ўйнади.

1996 йили Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов ҳам Австрияда бўлган эди. Ўз навбатида 1993 йили Австриянинг собиқ федерал канцлери Франк Враницкий бошчилигидаги ишбилармонлардан иборат делегацияси бундан ташқари Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Фереро-Вальднер хоним ҳам бир неча учун иқтисодиётга юксак хориж технологияларини жалб этиш лозим. Шундай экан, Австрия билан ҳамкорлик республикамизга замонавий илғор технология келишига кенг йўл очиш, саноат тармоқларини янада ривожлантиришга имкон беради. Австриянинг кадрлар тайёрлашдаги, айниқса, банк ва молиявий соҳалардаги, хусусийлаштириш ва солиқ сиёсатини ўтказишдаги тажрибаси республикамиз учун анча қўл келади. Бундан ташқари Ўзбекистон Австрия сармояларини жалб этишдан, саноат ва қишлоқ

## ЕВРОПАДА ЎЗ ЎРНИ БОР

шундайдир. Австрия ташқи сиёсатда бетарафлик йўлини тутган бўлиб, айни шу омил дунё кучлари нисбатида унинг муҳим ўрин тутишини белгилаб, Австриянинг халқаро муносабатлардаги таъсири ва обрўсини оширган. Австрия халқи бутун жаҳонга ўз маданий қадриятлари билангина эмас, фан ва маданият соҳаларида эришган жуда катта ютуқлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Мамлакатда 20 га яқин Нобель мукофоти совриндорлари етишиб чиққанлигининг ўзи ҳам майдони ва аҳолиси унча катта бўлмаган республика халқининг иқтидоридан далолат беради. Австрияда сайёҳлик соҳаси ниҳоятда зўр ривожланган. Бу ерга ҳар йили 9 миллионга яқин сайёҳлар келиб туришининг ўзиёқ деярли шунча аҳолига эга бўлган Австрия учун ниҳоятда йирик воқеликдир.

Австрия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга келадиган бўлсак, 1992 йили Президент бор мамлакатмизда бўлган эди. Дарвоқе, 2001 йилнинг ноябрида Вальднер хонимнинг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи давомида Ўзбекистон билан Австрия ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган ҳукуматлараро битимлар имзоланган эди. У Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берган. Враницкий эса Ўзбекистондаги ижтимоий, сиёсий вазиятга баҳо бериб, юртимизни "барқарорлик рамзи" деб атаган эди.

Европанинг саноати тараққий этган давлатларидан бири бўлмиш Австрия билан ҳамкорлик бизга нима беради?

Ўзбекистон экспортининг салмоқли қисмини хомашё эмас, тайёр маҳсулотлар ташкил қилиши учун кенг кўламда иш олиб бормоқда. Бунинг хўжалиги соҳасидаги унинг илғор технологияларини қўллашдан манфаатдордир.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Австрия ҳукуматлари ўртасида автомобиль, темирйўл ва дарё транспорти, халқаро юк ташиш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутувчи шартномалар имзоланди. Булардан бири Вена университети билан Ўзбекистон миллий университети ҳамкорлигига асос солувчи ҳужжатдир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз президентининг расмий ташрифи доирасида имзоланган келишувлар ва аҳдномлар Европа Иттифоқида катта ўрин тутган Австрия Республикаси билан Марказий Осиёда катта нуфузга эга бўлган Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради.

**А.ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8 декабрь куни Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллни қабул қилиб, икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда давом этаётган аксилтеррор операцияси ва бошқа масалалар хусусида фикр алмашди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Марказий комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси референдум округларини тузиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида" Қарори эълон қилинди.**

JUMLADA JAHON

**● "Ал-Қоида" ташкилоти қуролли кучларига қарши курашаётган қўмондонлардан бирининг маълум қилишича, Усама бин Лоден тарафдорлари қуролсизланишга рози бўлишган, бироқ толибларнинг барча қўмондонлари бунга рози эмасликлари ҳақида ҳам хабарлар бор.**

**● Душанба куни Исроил вертолётлари Иоардан дарёси соҳилидаги Хеврон аҳоли пунктида "Ислом жиҳоди" фаолларидан бири Муҳаммад Сидр кетаётган автомобилга қарата ўқ узиши натижасида у оғир жароҳат олган ва икки нафар бола ҳаётдан кўз юмган.**

## *ДИЛИМИЗ, ТИЛИМИЗ ДУОДА*

**Munosabat**

Ҳур диёримизнинг равнақи, тараққиёти, ўзбек элининг дунёга танилиши йўлида заҳмат чекаётган, ижод қилаётган, курашаётган юртдошларимиз сафида уларни мудом ўз дуои фотиҳалари, керак бўлса меҳнатлари билан қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийлар, қариялар ҳам бор.

Янги, 2002 йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" деб аталди. Бу бежиз эмас. Ўзбек халқининг жасур фарзанди: "Табаррук нуронийларни асраб, авайлаб, уларнинг ҳаётий, бой тажрибалари ўрганилиб, турмушда қўлланса зафарларга элтади" — дейди. Дарҳақиқат, нуронийларнинг турмушда, жамиятда муносиб ўринлари бор. Азалдан ота оилани тебратиш, юртга наф келтириш учун ишга кетганида оилада қиз болани онаси тарбиялаган бўлса, ўғил бола кўпроқ бобоси билан бирга бўлган. Унинг ҳаёт тажрибалари, ўгитлари, насиҳатлари кўмагида вояга етган.

Ўзбекнинг хонадонининг, тўй-маъракасининг тўри қарияларга берилади. Ҳаммамизни шундай кунларга, шундай табаррук ёшларга етказсин, деб ният қилинади. Янги йилимиз "Қарияларни қадрлаш йили" деб номланган экан, биз бундан бениҳоя хурсанд эканлигимизни изҳор қилиб, Президентимизга, халқимизга раҳматлар айтамиз ҳамда дуо қилиб қоламизки, барчамиз соғомон бўлайлик, Ўзбекис-тонимиз тинч-тотувликда янада юксак тараққиётга эришиб, равнақ топаверсин.

**Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,**
**Сайдимурод СУЛТОНОВ,**
**Республика Нуронийлар жамиятининг аъзолари, фахрий педагоглар**



**Мактаб дея аталмиш даргоҳга илк бор қадам қўйганимизда, бутун ҳаётини ҳаяжон тўла кўзларимизга, мурғаккина қалбимизга илм сирларини жо айлашга бағишлаган биринчи ўқитувчимизга умр бўйи таъзим қилсак, оз. Чунки биринчи ўқитувчи олган барча илму ҳикматларимизнинг бош асоси, мезони бўлган "Алифбе" китобини титраб турган жажжи қўлимизга тутқазади. Ундаги барча таянч билимларни онгу шууримизга сингдиради. Ана шундай ўқитувчилардан бири Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 195-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Дилором Парпиева юқоридаги фикрларимизнинг яққол намунасидир.**

**Куни кеча мазкур мактабнинг 1-"Г" синфида "Алифбе" байрами бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар илк бор ўрганган билимлари ва тайёрлаган шўх куй-қўшиқларини тадбир иштирокчиларига ҳавола этдилар.**

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**

**Ш.АКРОМОВ олган суратлар**

**Maktabgacha ta'lim muassasalarida**

***Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 19-болалар боғчасида "Конституцияни ўрганамиз" мавзусида байрам эрталиги бўлиб ўтди. Тадбирда 2-тайёрлов гуруҳининг жажжи ўғил-қизлари мусиқа раҳбарлари — Маҳмуда Ҳайдарова ва Гулноза Самандарова ҳамда тарбиячи Раъно Раҳимовалар бошчилигида "Жаннатмакон ўлкам" номли байрам дастурини намойиш этдилар. Унда кичкинтойлар Конституция моддаларини ўз тушунчалари бўйича изоҳлаб бердилар.***

***— Сиз бахтлимисиз? — сўради тарбиячи.***

***— Ҳа, биз бахтлимиз, чунки бизнинг ўз уйимиз, ўз ота-онамиз, ўз боғчамиз, ўз давлатимиз бор, — деб жавоб беришди ширинтойлар.***

***Шундан сўнг тарбиячи ҳуқуқ ва бурч ҳақида бирма-бир саволлар берди.***

***— Сизлар қандай ҳуқуққа эгасизлар?***

***— Биз оилада яшаш ва тарбияланиш, оила аъзоларимиз***

## "БИЗНИНГ ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ БОҒЧАМИЗ, ЎЗ ВАТАНИМИЗ БОР"

***ғамхўрлигидан фойдаланган ҳолда улар билан яшаш ҳуқуқига эгамиз, — деди баралла Мухлиса.***

***— Сизлар нималар қилсангиз ўз бурчингизни бажарган бўласиз?***

***— Ота-оналарни ҳурмат қилсак, — деди шошилиб Ирода.***

***— Насиҳатларига қулоқ солсак, — деди секингина Нафиса.***

***— Уларга ёлғон сўзламасак, гапирганларида юзни бурмасак, чақирсалар "лаббай" деб жавоб қайтарсак ҳамда Ватанни севсак ўз бурчимизни бажарган бўламиз, — деб жавоб берди Жавоҳир.***

***Тантанада дилбандлар "Миллат байроғи", "Ҳумо қуши", "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!", "Ўзбекистон" сингари шеър ва қўшиқлар ижро этишиб, шўх рақсга тушдилар.***

***Ҳуқуқшунос Муҳайё Йўлдошева ва "Қор ёғди" маҳалла оқсоқоли Қодирхўжа Хўжаев тадбирда иштирок этган ота-оналар, туман болалар боғчалари ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш республика курси тингловчилари қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб бердилар.***

***Ғоят қизиқарли ўтган байрам тадбири иштирокчиларда, айниқса нозик қалбларда катта таассурот қолдирди.***

**МУХБИРИМИЗ**

# МУЛЬТИМЕДИАДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ

**Yangi pedagogik texnologiyalar**

Маълумки, ҳозирги кунда сифат муаммоси фаолиятнинг барча жабҳаларини кўпроқ ташвишлантирмоқда. Айниқса, бу жараён таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олиб борилаётган ҳаракатларда яққол намоёндир.

Маъруза ва амалий машғулотларга таянган ўқув жараёни ўзининг самарасини унчалик бермай қўйди. Анъанавий дарсни янги педагогик технологиялар билан бойитиш, бу йўналишда хорижий давлатларда эришилган натижа ва тажрибалардан фойдаланиш зарурияти келиб чиқяпти.

Ахборот технологияларининг кейинги йиллардаги тез ривожланиши бизга янги ва ноёб бўлган имкониятни, яъни, ўқув жараёнида электрон дарсликлар ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятларини бермоқда.

Ижодий ва таъсирчанлик нуқтаи назаридан мультимедиа янги санъат туридир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобининг электрон нусхаси яратилди. Уни тайёрлашда лицей информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Сатторов бошчилигидаги ижодий гуруҳ қарийб ярим йил изланди.

Ижодий иш юксак эстетик дид билан амалга оширилган. Техника тараққиёти даврида ҳар бир ўқувчи бу китоб устида мустақил ишлаш имкониятига эга бўлди. Ушбу электрон дарсликда ўқитувчи ва ўқувчилар учун миллий истиқлол ғояси фанини ўрганиш бўйича назарий ва услубий тавсиялар берилган. Ўқитувчига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда электрон китобнинг услубий қўлланмалар бўлими орқали олган назарий билимлари ва уларнинг бугунги кундаги амалиёт билан бадиий расмларда ва видеофильмларда бир пайтнинг ўзида танишиб бориши унинг дунёқарашида катта ўзгариш ясайди. Мавзу бўйича билим кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Энг асосийси, ушбу жараёнда, жаҳон андозалари асосидаги техник воситалардан фойдаланиб, устозлар билан биргаликда дастурлар яратаётган лицей ўқувчи-ёшларининг иштироки катта аҳамиятга эгадир.

Янги замонавий техник воситалар етарли бўлмаган таълим даргоҳларида "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўтишда бошқа мақсадга мувофиқ усулларни излашга тўғри келади.

— Дарс жараёнини ташкил этишда қуйидаги муҳим омилларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир, — дейди, биз билан суҳбатда академик лицейнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Ғуломжон Саидов. Ўқитувчи ўқувчини кўпроқ мустақил ишлашга жалб этади. Ўқитувчи дарсда ҳар бир ўқувчини шу мавзуни ўрганиш учун етарли бўлган турли хилдаги адабиётлар билан таъминлайди.

**Обиджон МАҲМУДОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси**

**Mehr-muruvvat oyligi**

**"Меҳр кўрсат — меҳр кўрасан" ёки "Ғамхўрлик иймондандир" каби доно нақлларга амал қилиб яшаётган халқимизда моҳи Рамазон кунлари меҳрга ташна инсонлар бўлмиш ногиронларга ёрдам бериш, саховат кўрсатиш азалий одатдир. Шунингдек, декабрь ойининг Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан кўнгли ярим инсонларга эътиборни кучайтириш мақсадида "Меҳр-мурувват ойлиги" дея эълон қилингани ҳам кишини эртанги кунга умид билан яшашга ундайди.**

**Яқинда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Иттифоқ" маҳалла гузарида "КРИДИ — ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш" жамияти томонидан ўтказилган хайрия тадбири ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Шу куни ҳаётда ўз ўринларини топишга интилаётган, ўқишни, ёзишни ўрганаётган, ҳатто спорт билан шуғулланаётган, бир оғиз ширин сўзга ташна болажонлар учун дастурхон ёзилиб, концерт намойиш этилди. Дарвоқе, кеча иштирокчиларида ногирон болалар ташаббуси билан тузилган "КРИДИ" қошидаги ансамбл ижросидаги қўшиқлару рақслар ҳам катта таассурот қолдирди.**

## ҒАМХЎРЛИК ИЙМОНДАНДИР

**Айниқса, болажонларга совға тариқасида махсус ҳаракатланиш мосламалари, яъни, ҳассалар, ногиронлар аравачалари, имконияти чекланган болалар шуғулланадиган машғулот коптоклари ва кийим-кечаклар берилиши дилларга қувонч бағишлади. Хуллас, яхши кунларда ўтказилган яхши тадбир анчайин файзли ўтди.**

**К. АЛИОХУНОВ**

*Кўп маротаба Афғонистонда сафарда бўлган олимлар афғон халқини, унинг тарихини ўрганишда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги хусусида батафсил тўхталишди.*

*Шунинг учун туман таълим муассасаларида "Обуна шанбалиги" ўтказдик. Тўпланган маблағ "Маърифат" ва бошқа матбуот нашрларига обуна бўлиш учун сарфланди.*



Anjuman

# "ЎЗБЕКИСТОН — ТАРАҚҚИЁТ САРИ"

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Замонавий информацион технологиялар илмий-техникавий маркази, "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ЎМКҲТ тизими ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ўзбекистон — тараққиёт сари" ёш информатикларнинг 1-республика анжумани бўлиб ўтди.

Унда барча вилоятлардаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумий ўрта таълим мактабларидан 164 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Маматов барча иштирокчиларни юртимиз равнақи йўлида катта аҳамиятта эга бўлган мазкур анжуманнинг ўз ишини бошлагани билан қутлади. Профессор А.Аъзамов аждодларимизнинг илм-фан йўналишида қўлга киритган ютуқлари, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек сингари алломаларнинг фан тарихида тутган ўрни ҳақида сўз юритар экан, информатика фанининг имкониятлари инсоният яратган ва қўлга киритган ютуқларнинг барчасидан юқори эканлигини, бу соҳада дунё халқлари эришаётган, амалга ошираётган янгиликлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Шундан сўнг иштирокчилар 7 турдаги номинациялар бўйича алоҳида гуруҳларга бўлиниб иш бошладилар. Уларнинг билимини аниқлаш олимпиада синовлари тариқасида олиб борилди.

Ҳар бир қатнашчи ажратилган 4 соат вақт ичида берилган масалаларни компьютер орқали ечдилар. Ҳайъат аъзолари иштирокчилар ишларини диққат билан кузатиб бордилар. Интернет сайтлари номинацияси бўйича ҳайъат раиси, академик Ф. Абуталиев "Бир дақиқа бўлса-да, иштирокчиларни чалғитишга ҳаққимиз йўқ. Чунки зиммамизга келажакда халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган ўқувчиларни аниқлашдек катта вазифа юклатилган" дейди.

Барча номинациялар бўйича ҳайъат иши куннинг биринчи ярмида ниҳоясига етди. Тушликдан сўнг ўқувчилар Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳатта чиқдилар. Кун ниҳоясида анжуманнинг тантанали ёпилиш қисми бўлиб ўтди. Унда ғолиблар тақдирланди. Ўтказилган танловнинг фақат оригинал жанр номинациясидагина 1 ва 2-ўрин берилмади. Сабаби, бу жанр бўйича тақдим этилган ишлар анча бўш бўлди. Яратилган ҳажвия, интермедия ва шеър матнлари бадиий қийматга эга бўлмаганлиги сабабли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланмади.

Ўқув компьютер дастурлари, интернет сайтлари, компьютер графикаси ва мультипликация, информатика олимпиадаси, кийборднинг мусобақаси, амалий дастурлар номинациялари бўйича кутилганидан ҳам зиёд натижаларга эришилди.

Шундай қилиб, ҳакамлар ҳайъати қарори билан ўқув компьютер дастурлари номинацияси бўйича 1-ўрин Самарқанд банк коллежи талабаси Меҳроб Соҳибовга, 2-ўрин ТЭАИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Аҳмад Абдуллаевга, 3-ўрин ТДТУ қошидаги академик лицей ўқувчиси Павел Козловларга берилди.

Амалий дастурлар номинацияси бўйича 1-ўрин ТЭАИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Беҳзод Воисовга, 2-ўрин Фарғона политехника институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Фарҳод Кенжаевга, 3-ўрин Самарқанд банк коллежи талабаси Жамшид Ашраповларга берилди.

Интернет сайтлари номинацияси бўйича 1-ўрин ТДТУ қошидаги академик лицей ўқувчиси Павел Козловга, 2-ўрин Бухоро қурилиш коллежи талабаси Руслан Пинатулинга, СамДУ қошидаги академик лицей ўқувчиси Алишер Мирзаевга 3-ўрин берилди.

Компьютер графикаси ва мультипликация номинацияси бўйича 1-ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчилари Ҳусанов, Ҳафизов, Муҳаммадиевларга, 2-ўрин ТЭАИ қошидаги академик лицей ўқувчилари Абдуллаев, Воисов, Перцовларга, Самарқанд туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси А.Арлашкинга 3-ўрин берилди. Информатика олимпиадаси номинацияси бўйича 1-ўрин БухДУ қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Элёр Муродовга, 2-ўрин Тошкент шаҳри 300-мактаб ўқувчиси Луиза Миндуллинага, 3-ўрин СамДУ академик лицейи ўқувчиси Шерали Рўзиевларга берилди. Кийборднинг мусобақаси номинацияси бўйича 1-ўрин СамДЧТИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Жавлон Қўлдошевга, 2-ўрин Навоий ДПИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Сарвиноз Улуғовага, 3-ўрин СамДУ академик лицей ўқувчиси Ислом Ҳолиқовларга муносиб кўрилди. Оригинал жанр номинацияси бўйича 3-ўринни Самарқанд банк коллежи талабаси Нафиса Тошева эгаллади.

Бундан ташқари ҳайъатнинг "Профессионал маҳорати учун" махсус сов-рини Тошкент шаҳри Калонов номидаги ўқув юрти ўқувчиси Денис Филиповга берилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлигининг "Энг фаол иштирокчи учун" махсус совғаси СамДУ қошидаги академик лицей жамоасига, СамДУнинг худди шундай совғаси Бухоро университети қошидаги лицей-интернат жамоасига топширилди. Яна 15 нафар ўқувчи рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси томонидан ҳам рағбатлантирувчи совғалар инъом этилди.

Биз анжуманда информатика олимпиадаси номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллаган Элёр Муродов билан суҳбатлашдик.

— Мен анжуманда иштирок этаётганимдан ва эришган ютуғимдан жуда хурсандман, - деди у. — Очиғи, бундай натижани кутмаган эдим. Бугун ўз олдимга катта мақсадлар қўйдим. Бундан кейин янада ушбу соҳага жиддийроқ ёндашиб, компьютер ўқув дастурлари устида тинимсиз ишлайман. Келажакда компьютер бўйича дастурчи бўлиш ниятим бор.

Дунё халқларининг орзуси бўлган Самарқанд қадамжолари ҳам биз сингари барча иштирокчиларга куч-қувват бағишлади. Хоразмга боргач, дўстларимизга бу тарихий анжуман ҳақида узоқ вақт гапириб юрсак керак.

**Назокат ШЕРБОЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# Сиз Конституцияни биласизми?

## Халқ таълими вазирлиги, Давлат Тест Маркази, "Ma'rifat" газетаси таҳририяти танлови

**11. Ўзбекистон Республикасида билим олиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқлар гуруҳига киритилган?**

A) иқтисодий ва ижтимоий
B) иқтисодий ва илмий
C) иқтисодий ва шахсий
D) шахсий
E) маънавий ва сиёсий

**12. Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчларини аниқланг.**

A) мулкдор бўлиш
B) билим олиш
C) табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш
D) меҳнат қилиш
E) конституцияга риоя этиш ва қонунлар қабул қилиш

**13. Ўзбекистон Республикасида солиқларни қайси орган жорий қилади?**

A) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
B) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
C) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
D) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
E) Ўзбекистон Республикаси Президенти

**14. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш қандай амалга оширилади?**

A) суд қарори асосида
B) Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида
C) Адлия вазирининг буйруғи асосида
D) Республика Президентининг қарори асосида
E) Республика Бош прокурорининг қарори асосида

**15. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини қайси давлат органи белгилайди?**

A) Олий Мажлис
B) Ташқи ишлар вазирлиги
C) Олий Мажлис Кенгаши
D) Вазирлар Маҳкамаси
E) Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси

**16. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қандай ташкил этилади?**

A) Олий Мажлис томонидан сайланади
B) Президент томонидан тайинланади
C) Ўзбекистон фуқаролари томонидан сайланади
D) Олий Мажлис Раиси томонидан тайинланади
E) Вазирлар Маҳкамаси томонидан сайланади

**17. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қарорларни ким имзолайди?**

A) Олий Мажлис Раиси
B) Президент
C) Бош вазир
D) Олий Мажлис депутатлари
E) Олий Мажлис Кенгаши аъзолари

**18. Қорақалпоғистон Республикасининг ижро этувчи давлат ҳокимиятини қайси давлат органи амалга оширади?**

A) Жўқорғи Кенгес
B) Вазирлар Маҳкамаси
C) Жўқорғи Кенгеснинг ишчи органи
D) Вазирлар Қўмитаси
E) Вазирлар Кенгаши

**19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат органларини ташкил этиш ваколатлари қайси қаторда берилган?**

A) Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш
B) Ўзбекистон Республикасининг Олий судини сайлаш
C) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш
D) Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш
E) Ҳамма жавоблар тўғри

**20. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, давлат органлари ва мансабдор шахслар кимлар олдида масъулдирлар?**

A) Жамият олдида
B) Барча миллатлар олдида
C) Фуқаролар олдида
D) Чет эл фуқаролари олдида
E) A,C

**Диққат: жавобларингизни газетада 100 та савол берилиб бўлгач бир йўла жўнатинг.**

# ЁШЛАР ЮТУҒИДАН ҚУВОНАМИЗ

Faxr

**2001-2002 ўқув йилида ўқишда ва ёшлар орасида энг аълочи талабани рағбатлантириш мақсадида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят қўмитаси стипендия таъсис этган бўлиб, низомга мувофиқ унинг талабгорлари ҳар жиҳатдан етук бўлиши лозим эди.**

**Яқинда олийгоҳлардан таклиф этилган барча номзодлар ўрганиб чиқилди ва Самарқанд кооператив институтининг иқтисодиёт факультети II курс талабаси Баҳора Аҳадовага ўқув йили давомида тўланадиган стипендиянинг дастлабки уч ойлик миқдори берилди.**

**Шунингдек, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг икки нафар иқтидорли талабалари Дилафрўз Ҳусанова ва Лутфулло Йўлдошевлар ҳам ўзларига кўрсатилган ғамхўрликдан мамнун бўлдилар.**

**— Мен талаба ёшларимизнинг эришаётган ютуқларидан қувонаман. Масалан, оддий қишлоқ қизи Дилафрўз Ҳусанова Алмати шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари талабалари ўртасидаги япон тили бўйича нотиқлик санъати танловида, Лутфулло Йўлдошев эса МДҲга кирувчи давлатлардаги 25 та олий ўқув юрти талабалари ўртасида ўтказилган танловда мутлақ ғолиб бўлган. Бу билан фахрлансак арзийди. Биз доимо шундай ёшларимизни қўллаб-қувватлаймиз, — дейди қўмита раиси Ҳ.Нормуродов.**

**Мухбиримиз**

# Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Самарқанд вилояти Жомбой тумани 23-мактаб ўқитувчиси А.Тоштемировдан***

**САВОЛ: Электр энергия ва газдан фойдаланиш нархини 100 фоиз тўлайсизлар дейишмоқда. Шу тўғрими? Бизларга давлатимиз томонидан қандай имтиёзлар берилганлиги ҳақида маълумотлар берсаларингиз.**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелда қабул қилинган 178-сонли Қарорининг "Уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низомига мувофиқ имтиёздан фойдаланадиган фуқаролар учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий ҳамда суюлтирилган газ ва кўмирдан фойдаланишнинг 2001 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги нормалари белгиланган.

1. Табиий газ учун ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланувчи шахсларга имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш нормалари 1 киши учун куб метр ҳисобида белгиланган:

| | Бир ой учун | Бир йил учун |
|---|---|---|
| Овқат пиширишга Марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган квартираларда | 9,0 | 108,0 |
| Марказий иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларга газ воситасидаги сув иситгичлари ёрдамида иссиқ сув билан таъминлашга | 10,5 | 126,0 |

2. Уй-жойларга иситиш учун имтиёзли тарифлар бўйича табиий газдан фойдаланиш нормалари, оиланинг имтиёзга эга бўлган аъзолари сонидан қатъи назар, ҳар бир оила учун куб метр ҳисобида, иситиладиган хонанинг 108 куб метри ҳисобида белгиланган:

| | Бир ой учун | Бир йил учун |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти бўйича (иситиладиган хонанинг 1 куб метри ҳисобига газ сарфи нормаси 2,5 куб метр) | 270,0 | 3240,0 |
| Қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича (иситиладиган хонанинг 1 куб метри ҳисобига газ сарфи — 2,4 куб метр) | 259,2 | 3110,4 |

Иситиладиган хонанинг нормадан ортиқча ҳажми учун ҳақ амалдаги тариф бўйича тўланади. Табиий газ сарфини ҳисоблаш приборлари билан жиҳозланган уйларда, квартираларда имтиёзли тариф бўйича табиий газ бериш қуйидаги тартибда нормаланади:

Иситишга — иситиш мавсумининг ноябрдан мартгача (5 ой) давом этадиган белгиланган узунлигини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли тариф бўйича ҳақ тўланадиган иситишга газ беришнинг ушбу даври учун ойлик нормаси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 648 куб метр (3240:5 =648), қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун 622,1 куб метр (3110,4:5 = 622,1) ҳажмда белгиланган.

Овқат пиширишга ва газ воситасидаги сув иситгичлар ёрдамида иссиқ сув билан таъминлашга табиий газ беришнинг ушбу нормалари бўйича белгиланган ҳажми (куб метр) газ сарфини ҳисоблагичнинг амалдаги кўрсаткичлари бўйича аниқланган ҳажмда чегирилади ва қолган тафовут (имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўланадиган ҳажмдан ортиқчаси) учун ҳақ, газ сарфини ҳисоблагичлар мавжуд бўлгандан, коммунал маиший эҳтиёжларга табиий газдан фойдаланганлик учун белгиланган амалдаги тариф бўйича тўланади.

3. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга имтиёзли тарифлар бўйича суюлтирилган газ бериш йилига битта оила ҳисобига 283,8 миқдорида белгиланган.

4. Имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ва марказий иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларда яшаётган фуқароларга ёқилғи бериш оила ҳисобига 1 тонна кўмир миқдорида белгиланган.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги "Электр энергиясидан имтиёзли тарзда фойдаланувчи аҳоли учун электрдан фойдаланиш ҳажмини белгилаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, электр энергиясидан фойдаланиш меъёри ойига 110 квт. соат миқдорида белгиланган. Ушбу меъёрдан ортиқ фойдаланилган электр энергияси учун умумий тарифда ҳақ тўланади.

Электр энергиясидан фойдаланишда шаҳарда яшовчи ўқитувчилар 50 фоиз, қишлоқда яшовчилар 100 фоиз имтиёздан фойдаланадилар.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси**

Oliy o'quv yurtlarida

# ҚАДИМГИ ВА БУГУНГИ АФҒОНИСТОН

*Афғонистон минг йилликлар давомида кўҳна Турон заминининг ажралмас бўлаги, маданият, фан ва дин марказларидан бири бўлиб келган. Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, бу ҳудуд асрлар мобайнида дунё халқлари эътиборида бўлган. Афғонистон ўтмиши Марказий Осиё халқлари тарихи, бевосита кушонлар, сомонийлар, темурийлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. 1978 йилги фуқаролар уруши бошланиши ва бунга собиқ Иттифоқнинг аралашуви таъсирида афғон халқи бошига ҳозир ҳам тугамаётган даҳшатли кулфатлар тушди.*

*Тошкент Давлат шарқшунослик институтида бугунги Афғонистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда жаҳон ҳамжамияти ва Ўзбекистоннинг ўрни мавзуида шарқшунос олимлар ва талабалар ўртасида анжуман бўлиб ўтди. Кўп маротаба Афғонистонда сафарда бўлган олимлар афғон халқини, унинг тарихини ўрганишда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги хусусида батафсил тўхталишди.*

**Абдулмунжид ҚОРИЕВ,**
**ТДШИ III-курс талабаси**

# ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН МУҲИМ УЧРАШУВ

*Тошкент Давлат юридик институтининг "1-ҳуқуқ" факультети талабалари билан Президент давлат маслаҳатчиси Н.Исмоилов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувга ташриф буюрган меҳмон судларни либераллаштириш мавзусида маъруза ўқиди. У талабаларга суд тизимидаги ўзгаришлар, «Жиноят Кодекси»да берилган жазо тизимига, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик ва ЖПКларига киритилган сўнгги қўшимчаларни батафсил тушунтириб берди.*

*Таъкидлаш жоизки, анча жонли руҳда ўтган мазкур учрашув давомида Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқи таҳлил қилинди.*

*Жиноят ва фуқаролик ишлари судидаги суд ижрочисининг алоҳида ажралиб чиқиши, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таснифи ва улар учун жавобгарлик соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам талабалар ўзилари қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.*

*Бу каби учрашувлар биз бўлажак ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий фанларни ҳозирги ўзгаришлар билан уйғунликда ўзлаштириб боришимизга катта ёрдам беради.*

**Тоҳиржон ҒОФУРОВ,**
**ТДЮИ "1-Ҳуқуқ" факультети 3-курс талабаси**

Gazeta va gazetxon

# БУХОРОДА «МАЪРИФАТ» КУНЛАРИ

Ҳар бир матбуот нашрининг ўқишлилиги, оммавийлиги ва ўрни асосан мазкур нашрнинг ҳаётга яқинлиги, давр руҳига ҳамоҳанглиги, муштарийлар маънавий эҳтиёжларини қай даражада қониқтира олиши, ахборотлар кўламининг қамрови билан ўлчанади. Бозор муносабатлари қарор топаётган, турли номдаги газета ва журналлар кўпайиб бораётган, барча жабҳада туб ислоҳотлар амалга оширилаётган, замондошларимиз тафаккурида янгиланиш ва юксалиш жараёни кечаётган ҳозирги шароитда бу мезон, айниқса, муҳимдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, "Маърифат" газетаси мамлакатимиз халқ зиёлилари ҳаётини қай даражада акс эттираётир? Материаллар мазмундорлигини янада ошириш, мундарижасини бундан ҳам бойитиш учун нималарга эътиборни кучайтириш зарур?

Яқинда Бухорода "Маърифат" газетаси кунлари муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган тадбирларда асосий диққат-эътибор ана шу масалаларга қаратилди.

Бошқарма раҳбарияти, шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимлари мудирлари иштирок этган мазкур йиғилишни бошқарма бошлиғи Салим Мухторов олиб борди. Дастлаб газета бош муҳаррири Ҳалим Саидов сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлик қилаётган ижодий жамоа амалга ошираётган ишлар, галдаги режалар ҳақида қисқача тўхталди.

Шундан сўнг тўпланганлар газета ўзларининг амалий фаолиятларида яқин кўмакчига айланиб қолганлиги, ёритилаётган материаллардаги ижобий жиҳатларни эътироф этиш билан бир қаторда баъзи бир фикр-мулоҳазалар, таклифларини ҳам ўртага ташладилар. Шу ўринда уларнинг айримларини келтириб ўтмоқчимиз.

***Зубайдулла Абдуллаев (Коғон туман ХТБ мудири):*** — Газетада "Даъват" рукнида берилаётган ибратли фикрлар барчамизга маъқул. Газетхонлик, китобхонликка эътиборни кучайтириш мақсадида туманда "Маърифат" кунлари ўтказаяпмиз. Бу пировардида таълим-тарбия жараёнида ҳам ижобий натижаларга олиб келмоқда.

*Амин **Азимов (бошқарма бошлиғи ўринбосари):*** — Янги педагогик технология ҳақида кўп гапирилаяпти. Зеро, бу тизимдаги ислоҳот жараёнларининг асосини ташкил этади. Лекин ҳозирга қадар янги педагогик технология мезонлари ишлаб чиқилмаган. Газета шу масалани кенгроқ ёритса ва тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига ўз таъсирини кўрсатса.

***Саидризо Қулижонов (Ф.Хўжаев туман ХТБ мудири):*** — "Маърифат" ўқитувчининг иш столида турадиган асосий нашрлардан бири. Унда ахборотлар рангбаранглигига эътибор янада кучайтирилишини истардик. Токи, ўқитувчи улардан нафақат тизим, балки мамлакатимиз, дунё саҳнидаги воқеалар нафасини сезиб турсин.

***Раҳмат Нарзуллаев (Бухоро туман ХТБ мудири):*** — Газетада кроссворд, турли бошқотирмалар берилаётганлиги яхши. Бу ақлни чархлаб туриш, доимий изланишга ундайди. Худди шундай навбати билан фанлар бўйича мураккаб тест саволлари ҳам мунтазам эълон қилинса.

***Хайрулло Ҳакимов (Шофиркон туман ХТБ мудири):*** — Ўқитувчи ўзи дарс бераётган фанни пухта билишдан ташқари кундалик ҳаётимизда юз бераётган воқеалар, пешқадам ҳамкасблари фаолиятидан мунтазам хабардор бўлиши, уларга теран муносабат билдира олиши ва кези келганда, сабоқларда қўллаши зарур. Бу газета ва журналларни ўқиб ва уқиб боришни тақозо этади. Шунинг учун туман таълим муассасаларида *"Обуна шанбалиги"* ўтказдик. Тўпланган маблағ "Маърифат" ва бошқа матбуот нашрларига ёзилиш учун сарфланди.

***

Бухоро шаҳридаги 9-мактабда бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ана шундай фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Она тили фани дастур ва дарсликларини синовдан ўтказиш маркази бўлган мазкур илм даргоҳи раҳбари Муҳиба Сатторова, рус тили ўқитувчиси Назира Зикрияева, бошланғич синф муаллимаси Жамила Болтаева ва бошқалар ҳам севимли нашрлари саҳифаларида яна қандай мавзуларни кенгроқ ёритиш юзасидан ўз истакларини билдирдилар. БДУ профессори, филология фанлари доктори Асқар Ғуломов эса келгусида она тили дастур ва дарсликларининг камчиликларини бартараф этиш, мукаммаллигига эришишда газета ташаббускор, ташкилотчи ва нуфузли минбар вазифасини ўташи зарурлигини таъкидлади.

— Газета мундарижасини янада бойитиш ўз навбатида муштарийлар фаоллигига ҳам боғлиқ, — деди мазкур тадбирлар якунида сўзга чиққан бошқарма бошлиғи Салим Мухторов. — Негаки, газетхонларнинг салмоқли қисми ўқитувчилар, таълим тизимининг катта-кичик бўғинлари раҳбарлари, бир сўз билан айтганда, соҳада юз бераётган янгиланиш, ўзгаришлар жараёнларининг бевосита иштирокчиларидир. Демак, юзага келган муаммолар, нималарга эътиборни кўпроқ қаратиш кераклиги уларга яхши маълум. Зеро, ибрат олса арзигулик изланиш ва ташаббуслар, аввало, уларнинг кўз ўнгида кечади. Газетхон бош-қалар билан фикрлашишни истаган, ўзини қизиқтирган, ўйлантирган, ташвишга солган мавзулар тўғрисида таҳририятга хат-хабарлари билан мунтазам қатнашиб турган тақдирдагина муштарак мақсад — севимли наш-римизни ўқувчиларга бундан ҳам яқинлаштириш имкониятлари кенгаяди.

Учрашув сўнгида газета ходимлари таклиф-мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдириб, ушбу фикрлар таҳририятнинг келгуси иш режасида ўз аксини топажагига ишонч билдирди ва тадбирнинг фаол қатнашчиларига "Маърифат" газетасининг эсдалик совғаларини топширилди.

**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

